*Жорий йил бошида Жануби-шарқий Осиёда пайдо бўлган ва бугунги кунга келиб дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалган янги касалликни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти “Оғир ўткир респиратори синдром” (ОЎРС) деб атади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ушбу касаллик нафақат мазкур минтақа мамлакатлари — Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Вьетнамда, балки унинг ташқарисида ҳам қайд этилган. Шунингдек, Руминия, Швейцария, Канада ва АҚШда ҳам ушбу “ғайриоддий пневмония” билан касалланиш ҳолатлари учрамоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, ушбу касаллик 100 га яқин киши ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.*

**«Нотаниш» вирус:**

# Ўзбекистоннинг ҳаво дарвозалари қаттиқ назоратда

Ҳозирча давоси топилмаган ушбу номаълум инфекция бутун дунёга тезлик билан тарқалмоқда. Бу республикамиз аҳолиси, айниқса, шифокорларимизни ташвишга солаяпти. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи Нурмат Отабековнинг хабар беришича, кўпгина мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ҳанузгача янги инфекция қўзғатувчисини аниқлай олмагани вазиятни кескинлаштирмоқда ва шу боис ҳозирча ушбу касалликка ташҳис қўйиш ҳамда даволашнинг услубларини ишлаб чиқишнинг имкони йўқ. Бугунги кундаги маълумотларга мувофиқ, мазкур касалликни иккита вирус — ўткир респираторли касалликларни қўзғатадиган коронавируслар ва қизамиқ, қизилча, эпидемик паротит сабаби ҳисобланган парамиксовируслар юзага келтириши мумкин.

**Ўзбекистонда “нотаниш” инфекциянинг мамлакатимизга киришига йўл қўймаслик учун барча зарур чоралар кўрилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида махсус республика штаби тузилиб, унинг ишига ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи олимлари, таниқли эпидемиологлар ва вирусологлар жалб этилган. Тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларига жўнатилган. Мазкур штаб ушбу режанинг сўзсиз бажарилишини назорат қилади. Бундан ташқари, ОЎРСнинг клиник белгилари тўғрисида ҳам маълумотлар тарқатилган. Инсон тана ҳароратининг юқорилиги, қуруқ йўтал, нафас олишнинг қийинлашуви ва бўғилиш касаллик аломатларидир. Айрим ҳолатларда эса тошма тошади ва ич кетади. Ушбу белгилар касалликни аниқлаш имконини беради.**

Ўзбекистоннинг асосий дарвозаси Тошкент аэропорти ҳисобланади. Бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан самолётлар келиб қўнади. Шу сабабли эпидемиологлар номаълум вирус бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган йўловчилар билан бирга кириб келишининг олдини олишга алоҳида эътибор бермоқда. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси объектларини назорат қилиш марказининг пойтахт аэропортида фаолият юритаётган санитария-карантин пунктининг бирламчи вазифаси шундан иборат.

— Ўзбекистон ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида мунтазам авиақатнов йўлга қўйилган, — дейди ушбу марказ бош шифокори Мирсаид Олимов. — Республикамизга ҳафтасига икки марта Пекин, Куала-Лумпур, Бангкок, Сеул, Осакадан самолётлар келади. Бундан ташқари, ҳар ҳафта Тошкент Ҳиндистондан 4-5 та рейсни қабул қилади. Шу боис аэропортда санитария-карантин пункти куну тун фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда шифокор-эпидемиологлар, дезинфекторлар ва бошқа мутахассислар ишламоқда. “Тез ёрдам” машинаси ҳам бор. Марказ барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шу жумладан, ўта хавфли ёки карантин инфекцияли касаллик белгилари борлиги гумон қилинган йўловчиларни вақтинчалик жойлаштириш учун изолятор ҳам мавжуд.

Осиё мамлакатларидан келадиган авиарейслардан ташқари, яқинда грипп эпидемияси бўлиб ўтган Россиядан келаётган самолётлар ҳам алоҳида назорат остига олинган. Авиакомпания ходимлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари иштирокидаги семинарлар ташкил этилган. Улар “ғайриоддий пневмония”нинг клиник аломатлари, унинг олдини олиш чоралари тўғрисида тўлиқ ахборот билан таъминланмоқда. Барча экипажлар керакли миқдорда дока ниқоблар ва дезинфекциялаш воситалари билан таъминланган.

Самолётлар аэропортга келиб қўнмасидан туриб, санитария-карантин пункти мутахассислари радиоалоқа орқали экипаждан самолётда касаллар бор-йўқлиги ҳақида маълумот олади. Самолёт қўнгач, биринчи бўлиб унга эпидемиологлар чиқади. Экипаж эса йўловчилар орасида бундай касалларнинг борлиги ёки йўқлигини тасдиқлайди. Сўнгра шифокорлар йўловчиларни кўрикдан ва сўровдан ўтказади. Ана шундан кейингина шифокорлар йўловчиларнинг самолётдан тушишига рухсат беради. Бироқ шу билан назорат якунланмайди. Шифокорлар аэропорт залида йўловчиларнинг соғлиғи тўғрисида такрорий сўрайди, агарда йўловчилар орасида республикамиз фуқаролари бўлса, уларнинг яшаш жойлари ёки хорижлик меҳмонларнинг мамлакатимизга ташрифи давомида қаерда яшаши тўғрисида маълумотлар олинади. Бу ахборот туман санитария-эпидемиология станциясига жўнатилади ва станция шифокорлари 10 кун ичида, яъни ОЎРСнинг инкубация даврида хориждан келган одамни тиббий кузатиш ишларини ташкил қилади. Самолётнинг салони ва зиналари йўловчилар тушганидан сўнг яхшилаб дезинфекция қилинади.

Агарда оғир ўткир респираторли синдромга чалинган йўловчи аниқланса, у дарҳол санитария-карантин пунктидаги изоляторга жойлаштирилади. Ташхис тасдиқлангач, биринчи шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига жўнатилади. Бу ерда бундай беморлар учун 30 та жой ажратиб қўйилган ва керакли дори-дармонлар ҳамда дезинфекциялаш воситалари заҳираси ташкил этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, республикамизда бирорта ҳам оғир ўткир респираторли синдром билан нафақат касалланиш, балки уни гумон қилиш ҳолати қайд этилмаган. “Нотаниш” вирус бизни четлаб ўтишига умид қиламиз. Бу умидни шифокорларимиз касалликнинг Ўзбекистонга кириб келишига йўл қўймаслик борасида кўраётган чора-тадбирлари ҳам тасдиқлайди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Таълим ислоҳоти янгиликлари

# КОЛЛЕЖДА ЯПОН ПЕДАГОГИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичидаги муҳим вазифа — таълимнинг сифатли бўлишига эришишдир. Бунда кўпгина омиллар билан бир қаторда ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида тўпланган тажрибалардан ҳам баҳрамандлик алоҳида ўрин тутади.

Жумладан, Ватанимиздаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари Япония ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу мақсадда 6.347 миллиард япон йени миқдорида кредит ажратилди.

Яқинда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежларидан 50 нафар директор ва директор ўринбосарлари Японияда малака орттириб қайтган эди. Бугун эса Япониянинг Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик агентлиги JICAнинг касб-ҳунар таълими бўйича кўнгилли вакиллари юртимизга ташриф буюриб, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтмоқдалар.

Тошкент Агротижорат касб-ҳунар коллежида япониялик Хатсуюки Арай жанобларини кўпчилик танийди. У катта қора сумкасини кўтариб коллежга қадам қўйиши билан талабалар: «Арай домла келаяпти», деб бир-бирларидан суюнчи оладилар. Инглиз тилини билган ҳам, билмаган ҳам у киши билан бош чайқаб «Гуд монинг», дея саломлашади.



Арай домла коллежда инглиз тилига қизиққан иқтидорли талабаларни бир гуруҳга йиғиб, сабоқ бераяпти. У дарсларни амалий машғулот тарзида олиб боради. Талабани эркин фикрлашга ўргатиш билан бирга улар хуш кўрадиган мавзуларни танлайди. Талаба беихтиёр дарс давомида узлуксиз ўз устида ишлайди.

— Арай домла ниҳоятда қизиқарли дарс ўтади, — дейди ҳуқуқшунослик бўлимининг биринчи гуруҳ талабаси Азиза Исмоилова. — Инглиз тилини ўргатишда жонли мулоқот олиб боради. Талабалар у кишининг машғулотларини сабрсизлик билан кутишади.

Портфелли компьютер ёрдамида ҳар бир талабанинг исми ва бажарадиган уй вазифаси экранда намоён бўлади. Талабалар зудлик билан уй вазифасини кўчириб олишга киришадилар. Мана, ҳар ким ўзи учун топшириқ олаяпти, демак, келгуси дарсгача ҳамма изланишда...

— Биз билим бериш билан биргаликда бўлғуси мутахассислар дуч келиши мумкин бўлган масала ва муаммолар ечимини топиб олиши, зиммаларидаги вазифаларни бажариш қобилиятини кучайтиришга хизмат қиладиган янги педагогик ечимлар ва услубларни қўллашга ҳаракат қиламиз. Табиийки, бу борада муайян тажрибага эгамиз, — дейди Хатсуюки Арай жаноблари. — Ёшларни мутахассис сифатида шакллантириш жараёнида уларнинг асосий эгаллаётган касблари билан бир қаторда кўникмаларини эгаллашларига ҳам кўмаклашамиз.

**Муфтилла ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Элчихонада китоб тақдимоти

*Икки минг йил давомида Ғарбни Шарқ билан боғлаб турган Буюк Ипак йўли саёҳатчи ва турли саргузашт иштиёқмандларини ўзига ром этиб келган. Буюк ёзувчи Лев Толстой авлоди Александра Толстая ҳам қадимий карвон йўли бўйлаб саёҳатга чиқишни ёшликдан орзу қилар эди.*

Эдинбург университетини битириб чиққан ёш А. Толстая уч дугонаси ҳамроҳлигида 1999 йилда от ва туяларда Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой бўйлаб узоқ сафарларини бошладилар. Буюк Британия Қироллик жуғрофия жамияти кўмагида ташкил этилган ушбу саёҳат Қорақум чўлларидан бошланиб, саккиз ойдан сўнг Хитойнинг Сиан шаҳрида ўз ниҳоясига етди. Саёҳатчилар бу давр мобайнида саккиз минг километрдан ортиқ йўл босиб ўтишди.

А. Толстая бу ғаройиб саёҳат ҳақидаги эсдаликларини яқинда нашр этилган “Ипак йўлининг сўнгги сирлари” китобида баён этиб, унинг катта қисмини кўҳна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бағишлади.

“Саёҳатимиз давомида биринчи кўнимгоҳимиз Бухоро шаҳри бўлди. Бу шаҳар ўз пайтида чўлу саҳролар ошиб келган саёҳатчи ва тожирларга ҳордиқ чиқариш учун жаннати макон эди. Биз бу ерда кўрган минораи Калон, Арки мачитлар ва мадрасалар кишини ҳанузгача хайратга солади. Лаби Ҳовуз бўйидаги дарахтлар соясига ғарқ бўлган чойхонада ўтириб, ўзбек таомларидан татиб кўрган дамлар ҳеч қачон унут бўлмаса керак”, — деб хотирлайди муаллиф.

Китобнинг Самарқандга бағишланган алоҳида бобида муаллиф, хусусан, шундай деб эслайди: “Самарқанд шаҳри менда Париж ёки Римдан кўра бошқачароқ ҳис-туйғулар уйғотади. Шаҳар номининг ўзигина кишини саёҳатларга чорлайди. Самарқандни бутун дунёга машҳур қилган Шарқнинг энг гўзал меъморчилик ансамблларидан бири Регистон майдони, Темурийлар давлати рамзи ҳисобланмиш Биби Хоним мачити ўзининг тароватн билан мени лол қолдирди”.

Александра Толстаянинг таъкидлашича, Буюк Ипак йўли бўйлаб қилинган сафар саёҳатчиларда ўчмас из қолдириб, уларнинг ҳаётини янги мазмун билан бойитган.

Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонасида бўлиб ўтган китобнинг тақдимот маросимида Қиролича оиласи вакиллари, Буюк Британия парламенти аъзолари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

**Мардон ЁҚУБОВ.**
**“Жаҳон” АА.**
**Лондон.**


**Корхона, ташкилот, фирма ва тадбиркорлар диққатига!**

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тендер танловлари ўтказиш республика бошқармасининг

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**2003 йилда қурилаётган ва фойдаланишга топшириладиган 13 касб-ҳунар коллеж объектлари учун ҳар-хил турдаги қурилиш материаллари ва маҳсулотларини харид қилиш бўйича тендер танловини эълон қилади.**

**Харид қилиб олишга ҳар-хил турдаги қуйидаги материал ва маҳсулотлар мўлжалланган:** *кабеллар, электр симлар, электр ёритгичлар, прожекторлар, лампалар, метлах плиткаси, облицовочный плиткаси, пиломатериаллар, радиаторлар, умивальник, унитаз, душ, поддон, писсуар, линолиум, арматуралар, катанкалар, карбид, электродлар, михлар ва ҳоказо.*

**Харид қилинадиган маҳсулотлар ҳажмлари ва қўшимча маълумотлар тендер ҳужжатида белгиланган.**

**Ҳар бир материаллар учун мувофиқлик сертификати талаб қилинади.**

**Бош буюртмачи:** *«Қурилишматериалсаноатбутлаш» хўжалик ҳисобидаги Наманган вилояти бошқармаси.*
**Манзили:** *Наманган шаҳри, «Марғилон» кўчаси, 12-уй. Телефонлар: (8 +36922) 6-76-86, 6-25-14, 6-75-83.*
**Шартнома тузувчи-тўловчилар:** *13 касб-ҳунар коллежлар қурилишини олиб борувчи бош пудратчилар.*

Материал ва маҳсулотларни сотиб олиш — коллежлар қурилишига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Тендер савдолари ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиали. Корхона ва ташкилотлар қуйидаги шартларга амал қилишлари лозим: касб-ҳунар ва техник малакавий маълумотлар, молиявий маблағлар ва моддий имкониятлар, кафолат, тажриба, шунингдек, шартнома тузиш учун юридик лаёқатга эга бўлишлари шарт. Тендер савдоларида қатнашиш учун сўровнома билан тендер савдолари ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига мурожаат қилишлари лозим. **Тендер ҳужжатларининг нархи — 20000 сўм.**

**Таклифлар (офферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават). Тел./факс: (8-36922) 6-14-50.**
**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Таклифлар Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйда (Матбуот уйи, 3-қават, мажлислар зали) эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин очилади.**

7170751



**Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, халқ таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ**

2002/2003 ўқув йилида битирувчи таълим йўналишидаги бакалаврларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришди. Институт бакалаврлари бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи юқори даражадаги амалий тажрибага ва бакалавр даражасига эга бўлган етук мутахассислардир. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалаврларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизни 2003 йил 10 май кунига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга мутахассисликлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

**Маълумотлар учун телефонлар: 34-49-52, 34-23-29.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Х.Асомов кўчаси, 7-уй, Тошкент молия институтининг маркетинг хизмати.**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ**

**2002/2003 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

| № | Бакалавр мутахассисликларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Андижон | Бухоро | Наманган | Тошкент вил. | Тошкент шаҳри | Навоий | Жиззах | Фарғона | Самарқанд | Сирдарё | Қашқадарё | Сурхондарё | Хоразм | Қорақалпоғистон Республикаси |
| 1. | Банк иши | 213 | 3 | 22 | 3 | 18 | 112 | 3 | 5 | 4 | 14 | 1 | 6 | 3 | 19 | - |
| 2. | Молия | 59 | - | 1 | 1 | 6 | 39 | - | - | 1 | 2 | 3 | 3 | 1 | - | 2 |
| 3. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 88 | 4 | 5 | 2 | 2 | 20 | 1 | 2 | 15 | 18 | 2 | 6 | 3 | 5 | 3 |
| 4. | Суғурта иши | 29 | 2 | - | 2 | 1 | 12 | - | 2 | 2 | 2 | - | 2 | 1 | 3 | - |
| 5. | Қимматли қоғозлар ва биржа иши | 38 | - | - | 1 | 1 | 32 | - | - | - | 2 | - | 1 | - | - | 1 |
| 6. | Лойиҳаларни молиялаштириш | 49 | - | - | - | 4 | 35 | - | 1 | 1 | - | 3 | 2 | - | 1 | 2 |
| 7. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 127 | 2 | 12 | 3 | 17 | 49 | 4 | 5 | 2 | 14 | 3 | 7 | 2 | 6 | 1 |
| 8. | Касбий педагогик тайёргарлик(иқтисодиёт) | 14 | - | - | - | 2 | 6 | - | - | - | 4 | - | 1 | 1 | - | - |
| | **ЖАМИ** | **617** | **11** | **40** | **12** | **51** | **305** | **8** | **15** | **25** | **56** | **12** | **28** | **11** | **34** | **9** |


Қўшхабар

## АЗАМАТЖОН ҒОЛИБ

Фарғона вилояти мусиқа санъат билим юрти талабаси Азаматжон Муҳаммаджоновга омад кулиб боқди. У Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги томонидан ҳар икки йилда ўтказиладиган Ўзбекистон ўрта-махсус касб-ҳунар тизимидаги мусиқа ва санъат билим юртлари ёш ижрочиларининг XVII республика кўрик-танловида иштирок этиб, 47 нафар ёш ижрочи ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ҳам муҳими, Азаматжон Тошкент Давлат консерваториясига тест синовларисиз ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

## ҲАР КУНИ МУСОБАҚА

Фарғона туманида турли спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Новкент, Гулшан, Хонқиз, Далкўл қишлоқ фуқаролар йиғинидаги футболчилар кунора мусобақа ўтказмоқда. Ғолиблар ҳомийлар томонидан 12 та тўп, 38 та футбол кийимкечаги ҳамда 300 минг сўмликдан зиёд совғалар билан тақдирланишди. Тумандаги 3-мактабда ўтказилган шахмат мусобақасида эса икки юздан ортиқ ишқибоз иштирок этди.

**Собир ДАДАХЎЖАЕВ.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Рустам Шомуродович Шоғуломовга қизи **ЭЛЬВИРА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ижодий жамоаси Ўзбекистон телевидениеси меҳнат фахрийси **Ёқубжон ШУКУРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“DAVINKOM” давлат инвестиция фирмаси жамоаси бош директор **Ҳосил ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан маҳрумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси “АТК менежменти” кафедраси доценти Жалолиддин Нарзиевга волидаси **САМИЯ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Г. ПРОХОРЕНКО,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — М. ЖОНИХОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Б. ФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30*
1 2 3 4 5 6